

## ЧИГИТНИ УНИБ ЧИҚИШИ ВА ГЎЗАНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛАШ ЧУҚУРЛИГИ ВА СУГОРИШ ТАРТИБЛАРИНИ ТАЪСИРИ

Комилов Комилжон Собирович

Андижон қишлоқ хўжалига ва агротехнологиялар институти доценти

Эсонова Ойшахон Ғофуржон қизи

Талаба

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7433195>

**Аннотация.** Мақолада гўза қатор ораларига ишилаш чуқурлиги ва сугориии тартибларини ўсимликнинг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсири туғрисидаги маълумотлар таҳлили берилган.

**Калим сўзлар:** қатор оралари, сугории, поя, барг, чаноқлар, пахта, ўсимлик, амал даври, ЧДНС, вариант, қуруқ модда.

## ВЛИЯНИЕ ГЛУБИНЫ ОБРАБОТКИ И РЕЖИМА ПОЛИВА НА ВСХОЖЕСТЬ И ТОЛЩИНУ СЕЯНЦЕВ

**Аннотация.** В статье приводится анализ данных о влиянии глубины обработки и режимов полива на всхожесть и толщину всходов хлопчатника.

**Ключевые слова:** междурядье, полив, стебель, лист, стручки, хлопчатник, растение, период эксплуатации, ЧДНС, вариант, сухое вещество.

## THE INFLUENCE OF THE DEPTH OF PROCESSING AND IRRIGATION REGIME ON THE GERMINATION AND THICKNESS OF SEEDLINGS

**Abstract.** The article provides an analysis of data on the influence of the depth of processing and irrigation regimes on the germination and thickness of cotton seedlings.

**Keywords:** row spacing, irrigation, stem, leaf, pods, cotton, plant, period of operation, CDN, variant, dry matter.

Тажриба даласида чигитни текис ундириб олиб, барча варианtlар бўйича мумкин қадар бир хил кўчат ҳосил қилишга эришиш пахтчиликда илмий-тадқиқот ўтказиш борасидаги услубномаларнинг талаби ҳисобланади. Зероки, ўрганилаётган агроомилларни ёзага таъсирини муқаммал аниқлаш учун тажрибадаги тупроқ муҳити, ўсимликларни униб чиқиши ва кўчат қалинлиги ҳам деярли бир хил бўлиши муҳим ва зарур. Бинобарин, ўрганилаётган омилдан бошқа ҳамма агроомилларни бир ҳил бўлиши, бир вақтда ўтказилиши тажриба сифатига, олинган маълумотларни тўғрилигига даҳлдор бўлган муҳим шартдир.

Шунга асосланиб биз 1-жадвалда чигитни униб чиқиши бўйича ўртача уч йиллик маълумотларни келтирамиз.

Аниқланишича, ёзани ягана қилингандан сўнг ўртача уч йилда гектар хисобига 84,4-85,2 минг туп кўчат қалинлиги ҳосил қилинган.

Вариантларапо фарқ биринчи сугориш муҳитида 800 туп/га ёки 0,98 фоиз, иккинчи сугориш муҳитида 1,06 фоиз бўлган ҳолос. Чунки ҳали аниқлаш ўтказилган вақтда тажриба варианtlари бўйича ишловлар эндиғина (3-5 кун аввал) ўтказилган, сугориш эса (чигит суви) бир вақт ва меъёрда амалга оширилган эди. Табиийки бу дастлабки ишлов кунида ёзга илдиз тизимининг тарқалиш кенглиги ҳамда чуқурлиги ишланадиган қатlam

чегарасига етмаган эди. Биз бу ҳақда илдиз тизимини ўрганиш қисмида мълумотлар келтирганмиз.

1- жадвал

**Тажриба даласида чигитни униб чиқиши (назарий уя сонига нисбатан фоиз хисобида, ўртача уч йиллик)**

Вар.	Қатор ораларини ишлаш чукурлиги, см		Униб чиқиши, фоиз		
	Биринчиси	кейингилари	Бошланиши (25-27.04)	50 % (28-30.04)	100 % (1-2.05)
<b>Суғориш тартиби ЧНДС га нисбатан 65-65-60 %</b>					
1	14-16	14-16	16,7	52,6	90,0
2	14-16	17-18	15,5	52,4	89,2
3	17-18	17-18	16,5	52,6	90,9
4	17-18	14-16	15,8	51,6	90,9
5	14-16	18-20	15,6	51,2	90,8
6	17-18	14-16	15,8	52,9	90,8
<b>Суғориш тартиби ЧНДС га нисбатан 70-70-60 %</b>					
1	14-16	14-16	16,1	53,6	92,7
2	14-16	17-18	15,2	52,8	91,1
3	17-18	17-18	15,9	53,9	93,4
4	17-18	14-16	15,2	53,9	91,2
5	14-16	18-20	15,5	54,2	92,7
6	17-18	14-16	15,0	54,7	92,3

- 6-вариантларда ягоналашдан олдин 23-25 см чуқур юмшатиш ўтказилган.

Шунинг учун ҳам қатор ораларни дастлабки табақалаб ишлашнинг ғўза кўчат қалинлигига жиддий таъсири аниқланмади.

Ғўза қатор ораларни ишлаш технологиясининг кўчат қалинлигига кучли таъсири амал даврининг охирида ўтказилган таҳлилларда аниқланди. Чунки бу даврга келиб ғўза қатор оралари ҳар икки суғориш тартибida ҳам турли чуқурликларда ҳамда табақалаштириб 5 марта ишланган эди.

Ғўза қатор ораларини ишлашда дастлабки ён илдизлар ўртача 4 дона кирқилган 1, 4, 6 варианtlардаги ўсимликларни гектар ҳисобидаги кўчат сони суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 65-65-60 фоизли варианtlарда 1,4 дан 1,8 минг тупга камайди. ЧДНС га нисбатан 70-70-60 фоизли суғориш тартибидаги худди шу варианtlардаги ғўза кўчат қалинлигининг амал даври охиридаги камайиши 0,7-1,0 минг туп бўлди холос.

Мазкур варианtlардаги ғўза кўчат қалинлигининг ягоналашдан то биринчи пахта теримигача бундай озайиши пахтчилик амалиётида табиий ходисадир. Чунки уруги нимжон чиқиб, ўсимлик ҳам нимжон ўсиб ривожланган ғўза ниҳоллари амал даврида чопиқлар, ҳашоратлар ва касалликлар туфайли ҳам нобуд бўлади.

Илмий тажрибаларда исбот этилишича, тупроқ намлиги билан мўътадил таъминланган илдиз тизимида жароҳатларни битиши, тикланиши тез ва соз бўлади.

Шунинг учун дастлабки ён илдизлар камроқ кирқилган ғўзанинг ЧДНС га нисбатан 65-65-60 фоизли тартибда 1, 4, 6 варианtlарни кўчат қалинлиги ўртача 1,6 минг туп/га

миқдорга камайган бўлса, ЧДНС га нисбатан 70-70-60 фоизли суғориш тартибида бу рақам 0,9 минг туп/га бўлди холос. Гўза ўсимлигининг илдиз тизимида бирламчи ён илдизларни 6-10 донаси кирқилган 2, 3, 5-вариантларда бу ҳолат янада яққолроқ кўринди.

Қатор ораларни ишлов чуқурлиги ортиб борган сари гўза кўчат қалинлигини камайиши ҳам кўпроқ бўлди. Масалан, гўза ЧДНС га нисбатан 65-65-60 фоизли тартибида суғорилганда дастлаб чуқур, кейин саёз ишланган 4-вариантнинг кўчат сонини камайиши 1,6 минг туп/га бўлгани ҳолда, дастлаб 14-16 см, кейин 18-20 см ишлов берилган вариантда бу камайиш 4,3 минг туп/га миқдорга етди.

Худди шунингдек, ЧДНС га нисбатан 70-70-60 фоизли тартибида суғорилган, ишлов чуқурлиги муентазам 17-18 см бўлган 3-вариантда кўчат сонининг камайиши 2,3 минг туп/га бўлгани ҳолда, дастлаб 17-18 см, кейин 14-16 см бўлган, ягоналаш олдидан 23-25 см чуқур ишланган вариантда 0,7 минг туп/га бўлгани аниқланди.

Ушбу қисм маълумотлари таҳлилини муҳтасар қилиб эътироф этамизки, фўза қатор ораларини ишлаш технологияси майдон бирлигидаги кўчат қалинлигига таъсир этади.

Гўзанинг амал даври давомида қатор ораларига доимо 17-18 см чуқурликда ишлов бериш ёки ишлов чуқурлигини 18-20 см етказиши кўчат сонини жиддий камайтиради.

Гўза қатор оралари табақалаб, аввал 17-18 см, кейин 14-16 см ишлаш технологияси (4-вариант) ўсимликларни кўчат қалинлигини чуқур ишловга нисбатан озроқ камайтиради. Гўза кўчат қалинлиги энг кам озайиши дастлаб 17-18 см, кейин 14-16 см, ягоналаш олдидан 23-25 см ишланган 6-вариантларда содир бўлади.

## REFERENCES

1. Хайдаров Н. Пуштага экилган фўза қатор ораларига ишлов бериш // Тупроқни ишлаш ва алмашлаб экиш. Ҳалқаро илмий конференция маъruzalari тўплами. ЎзПИТИ. - Тошкент, 1992. - 31 б.
2. Хайдаров А., Юсупов С. Истиқболли фўза навларини озиқлантириш ва суғориш тартиби // Қишлоқ хўжалигига илгор технологиялар: Андижон тажрибаси, Республика илмий-амалий конференция маъruzalari тўплами, 1-китоб. АҚХИ. – Андижон, 2002. - 111 б.
3. Хайдаров А. Чигити плёнка остига экилган фўзани озиқлантириш ва суғориш тартиби // Фўза ва кузги буғдойнинг парваришлиш агротехнологияларини такомиллаштириш: Ҳалқаро илмий-амалий конференция маъruzalari тўплами. ЎзПИТИ.- Тошкент, 2003. - 50-53 б.
4. Хайдаров А. Турли супориш ва озиқлантириш тартибларида Андижон 36 фўза навининг поя тузилиши ва пахта ҳосилдорлиги // Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Ҳалқаро илмий-амалий конференция маъruzalari тўплами. ЎзПИТИ. - Тошкент, 2006. - 302 б.